Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 7 май Чоршанба.
№ 36 (14429)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:***

1. 1997 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида: иш ҳақининг энг оз миқдори - ойига 75О сўм; ёшга доир пенсиянинг энг оз миқдори - ойига 14ОО сўм; фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори - ойига 75О сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич /нулинчи/ разряднинг энг оз миқдори - ойига 75О сўм миқдорида белгилансин.

2. 1997 йилнинг 1 июлидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

3. 1997 йил 1 июлдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

- болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 14ОО сўм;

- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 85О сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1997 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ҳамда бюджет муасса салари ва ташкилотлари ходимлари мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия фонди ҳисобидан қоплансин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги 1499-сон Фармони /9-банди бундан мустасно/ 1997 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 май.

## “Давлат, Оила ва Жамият - ёшлар тарбияси муаммолари”

8 май куни Тошкентда “Интерконтинентал” меҳмонхонасида “Давлат, Оила ва Жамият - ёшлар тарбияси муаммолари” мавзуида Республика конференцияси бўлади.

Анжуманда маънавий баркамол инсонни шакллантириш,ислоҳотларнинг устивор йўналишлари, ёшлар билан ишлашнинг самарадорлигини ошириш омиллари, комил инсонни тарбиялашда маҳалланинг роли, халқ таълими ва ёшлар тарбияси муаммолари, шунингдек, ёшларни иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий кафолатлари, қонунбузарлик ҳолларига қарши кураш каби давримизнинг долзарб масалалари хусусида маърузалар тингланади.

Шунингдек, ёшлар билан ишлаш бўйича тўпланган тажрибалар ва фикр алмашувлар бўлиши кутилмоқда.

*СПОРТ*

## «ҲАВАС» ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Тошкентда иккинчи «Ҳавас» анъанавий теннис турнири бошланди. Унда 8О нафар ҳаваскор спортчи иштирок этмоқда. Уларнинг орасида Олий Мажлис, Президент Девонининг масъул ходимлари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этмоқда.

Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлаганов турнирни очиш чоғида аҳоли саломатлиги, уни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб этиш масалаларига жиддий эътибор бераётган мамлакат раҳбарияти ва бевосита Президент Ислом Каримовнинг ғамхўрлиги туфайли республикада теннис жуда тез оммалашиб кетаётганини таъкидлади. «Ҳавас» турнири ҳамда унинг иштирокчиларининг Ўзбекистонда теннисни тарғиб қилиш ишига қўшаётган ҳиссаси бебаҳодир, мамлакатимизда катта-ю кичик теннис билан шуғулланмоқда, деди Тошкент шаҳри ҳокими.

Швейцариялик бизнесмен, Ўзбекистонда анъанвий тус олган Президент Кубоги учун мусобақа ҳомийларидан бири Сассон Какшури «Ҳавас» мусобақалари иштирокчиларини табриклаб, Ўзбекистон миллатни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда ҳавас қиладиган ютуқларга эришаётгани тўғрисида гапирди. Ноёб «Ҳавас» теннис турнирининг нуфузи буни яққол тасдиқламоқда.

Исроил теннис марказининг директори Ян Фруман ўз нутқида уч йил муқаддам Ўзбекистон теннис кортлари билан танишиб, Президент Кубоги учун биринчи мусобақа жуда яхши ташкил этилганининг гувоҳи бўлиб, Ўзбекистонда теннис ривожланишига қатъий ишонганини айтди. Ҳозир республиканинг ҳамма жойида халқаро андозаларга мос келадиган теннис кортлари қурилмоқда, теннис мусобақалари ўтказилмоқда - теннис истаган киши шуғулланиши мумкин бўлган спортнинг оммавий турларидан бири бўлиб қолди. Бу - Ўзбекистон жаҳондаги теннис ривожланган мамлакатлардан бирига айланадиган кун яқинлигига қатъий ишонч туғдиради, деб таъкидлади у.

Бугун биринчи давра ўйинлари бўлди. Миллий Хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Р. Шоабдураҳмонов, «Тошшаҳарйўловчитрансс» раиси Р. Файзуллаев, республика «Камолот» жамғармасининг раиси Х. Абдураимов ўз кичик гуруҳларида рақибларини енгиб, иккинчи даврага йўлланма олдилар.

«Ҳавас» теннис турнирини очиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика Бош Вазири ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

/ЎзА/.



*Йигитлар халқларнинг ғурури, фахри*

## ВАТАН ХИЗМАТИГА БЎЛ ТАЙЁР!

Пискентлик йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимида қатнаша туриб, бундан 15-20 йил аввал ўзимнинг ҳарбийга қандай жўнатилганлигим ёдимга тушиб кетди.

...Йигитларни хизматга кузатиш вилоят маркази. Баланд деворлар билан ўралган бу «қалъа»га ўғли кириб кетгач, у бугун қайтиб чиқа оладими, ёки шунақаси икки-уч йиллик сафарга жўнатиладими, — ота-она билмасди. Кузатувга чиққанлар заҳ ерга шолча солиб, жигаргўшаси кириб кетган дарвозага кўз тикканча умид билан кутишарди. Баъзан, икки-уч кунлаб. Ғала-ғовур, ур-йиқит, тартибсизликлар ҳиқилдоғига келса ҳам, кутишарди — олис йўлга отланган фарзандини сафар олдидан бир карра бағрига босиб хайрлашиш умидида.

Аммо, улар орасида ноумид қайтганларни ҳам кўрганмиз...

Шукрким, эндиликда йигитларимизни ҳарбийга кузатиш кунини ҳам катта байрамлар сифатида ўтказаяпмиз.

Пискент туманидаги мудофаа бўлими, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот» жамғармаси, маданият бўлими ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган чақирилувчилар куни бўлди. Тадбир митинг билан бошланди. Унда туман ҳокимлиги, ташкилотлар ва корхоналар вакиллари, ҳамда чақирилувчилардан ташқари фарзандлари ҳарбийга отланган ота-оналар ҳам иштирок этишди.

— Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаси билан бир қаторда, ҳарбий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди, — дейди туман мудофаа бўлимининг бошлиғи, подполковник Дониёр Нурматов. — Бугунги кунда Мустақил республикамизнинг ботир ва мард аскарлари борки, биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Гарчи биз мустақилликни тинчлик йўли билан қўлга киритган бўлсак-да, хотиржам яшашга асло ҳаққимиз йўқ. Чунки ён-атрофимизда уруш оловини ёқувчи манбалар бор экан, ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини қўриқловчи шавкатли ҳарбийларимиз ва жасур посбонларимиз ҳамиша шай туришлари даркор.

Митингда сўзга чиққан туман хотин-қизлар қўмитаси ходими Сапурахон Эшонова, «Камолот» жамғармаси туман бўлими раиси Низомиддин Зиёвиддинов, ота-оналардан Санобар Ортиқова, Ҳасанбой Пўлатов ва бошқалар чақирилувчиларни она-Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчларини бажариш учун ҳарбий хизмат сафига отланганликлари билан муборакбод этдилар.

Ўша куни маданият бўлими ҳаваскорлари ижросида куй-қўшиқлар янгради. Чақирилувчилар, ташриф буюрган меҳмонлар орасида ҳам рақсга тушмаган қолмади. Айниқса, шу куни паловхон тўранинг мазаси ҳамманинг оғзида қолди.

Маросим сўнгида чақирилувчиларга туман ҳокимлигининг махсус совға-саломлари топширилди. Фурсатдан фойдаланиб, чақирувчиларни суҳбатга тортдик:

— Хўш, аскарнинг тўйи ҳам зўр бўлар эканми?

— Зўр бўларкан.

Бу кунлар бизнинг ҳаётимизда бир умр сақланади. Биз йигитлар юртимиз осойишталиги учун ўз постларимизда доим сергак турамиз.

Йигитларга дунёнинг бутун юкини кўтармоқ учун бақувват билаклар, элу-юрт осойишталиги ва номусини сақламоқ учун ғурур, зиммаларидаги муқаддас бурчни бажаришда толмасликлари учун сабот ва матонат ато этилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўғлон ўз зиммасига она-Ватанга, севимли ёрга опа-сингилларга паноҳ бўлишдек шарафли вазифани олади. Энг қийин дамларда ҳам ўз постларида мардона туради. Ғурур, мардлик, сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, йигитлар!

**Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ,**
**журналист**

***

**Суратда: Ота-оналар ва чақирилувчилар даврасида.**
**Р. Раҳимуллин олган сурат.**

*«Туркистон»га жавоб берадилар*

## «Лоқайдлик»

**Газетанинг шу йил 26 март сонида босилган «ЛОҚАЙДЛИК — «Камолот» жамғармасининг Нишон тумани бўлими фаолиятини яхшиланишига туғаноқ бўлаётир» сарлавҳали мақола юзасидан «Камолот» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Б. Юсуповдан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:**

**«Туман бўлими фаолиятидаги мақолада айтиб ўтилган камчиликлар ўз тасдиғини топди.**

**Бугунги кунда жамғарма Нишон тумани бўлими йўл қўйилган хатолар ва ишдаги совуққонликларни бартараф этиш учун тадбир режалар ишлаб чиқилди.**

**Вилоят «Камолот» жамғармаси туман бўлими фаолиятини яхшилаш мақсадида амалий ёрдам ва тавсияларини бериб, ишда йўл қўйилган лоқайдлик ва масъулиятсизликни қайтарилмаслигини доимий назоратда тутади».**



*ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА...*

## ФРАНЦИЯ САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

9 май — инсониятнинг фашизм устидан буюк ғалабаси тантана қилинадиган кунда юртдошларимиз ўз ватанларидан узоқда Яман мамлакатида 1998 йилги жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида дастлабки учрашувни майдон эгалари билан ўтказишади. Ўзбекистон ўз футболини жаҳонга намойиш этади. Унинг ҳар бир ғалабасидан Францияга бориб, Бразилия, Германия, Италия, Франция каби футболи юксак чўққиларга чиққан мамлакатлар жамоалари билан майдонга тушиш тақдири ҳал бўлади. Ўзбекистон жаҳонга чиқмоқда. Бугунги Ўзбекистон футболи қисқа вақт ичида Осиёни забт этишга улгурди, ҳозирда жаҳоннинг энг катта қитъасининг турли минтақаларида унинг кўплаб мухлислари бор, деса ҳеч ким ажабланмайди. Лекин... Жаҳонга чиқишнинг ўзгача гашти, ўз ўрни ва мавқеи бор. Футболчиларимиз олдидаги мақсад энди Европа, Америка, Африка қитъасини, умуман сайёрамиз футбол чўққиларига чиқишдир. Эсингиздами?

1994 йил. Хиросимагача кўпгина мамлакатларда Ўзбекистон футболи ҳақида тасаввур бўлмаган эди.

Айнан Хиросимадаги ғалаба ўзбек футболи ҳақидаги тушунчани ўзгартириб юборди.

Биринчи рақибимиз — Яман терма жамоаси. Унинг кучлилиги Индонезия ва Комбоджага қарши ўйинларидан яққол намоён бўлди. Улар ҳам анойи эмас.

Ўз мавқеларини бошқаларга осонликча бериб қўймайди.

Улар ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Ҳаммасини мусобақа жадвали кўрсатиб турибди:

Индонезия — Комбоджа 8:0
Индонезия — Яман 0:0
Комбоджа — Яман 0:1
Комбоджа — Индонезия 1:1

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. Индонезия | 120 | 9-1 | 5 |
| 2. Яман | 110 | 2-1 | 5 |
| 3. Комбоджа | 012 | 1-10 | 1 |
| 4. Ўзбекистон | 000 | 0-0 | 0 |

Яман терма жамоасига қарши майдонга чиқиш учун Ўзбекистон терма жамоасига қуйидаги футболчилар таклиф этилди:

Дарвозабонлар:

Бугало («Пахтакор»), Филиппов («Нефтчи»)

Ҳимоячилар:

Давлетов, Ашурматов, Қамбаралиев, Аҳмедов (ҳаммаси МҲСК)дан, Ширшов («Пахтакор»), Федоров («Нефтчи»), Шоймардонов («Дўстлик»)

Ярим ҳимоячилар:

Шарипов, Маъруфалиев («Навбаҳор»), Ҳабибулин («Дўстлик»), Бозоров («Нефтчи»), Раҳмонқулов, Ҳасанов (МҲСК)

Ҳужумчилар:

Ирисметов ( «Дўстлик»), Мақсудов («Нефтчи»), Қурбонов, Усмонхўжаев (МҲСК)

Бош мураббий: Р. Мирсодиқов. Мураббийлар: Валицкий, Саркисян, М. Раҳимов.

**Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаро 2—4 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.**

**Италия Президентининг ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Италия ўртасида тўртта муҳим ҳужжат имзоланди.**

**Оскар Луиджи Скалфаро Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлагани ва муҳим иқтисодий ютуқларга эришаётгани мамлакатдаги барқарорлик туфайли эканини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик таянчи бўлиб қолганлигини билдирди.**

**БМТнинг фикрига кўра, Шимолий Кореяда қаттиқ қаҳатчилик бўлиши кутилмоқда. БМТ озиқ-овқат дастури бўйича директорининг сўзига қараганда, ҳозир масала Шимолий Кореяда очарчилик бўлиши ҳақида эмас, балки унинг оқибатида қанча одам ҳалок бўлиши тўғрисида кетмоқда. БМТ жаҳон ҳамжамиятини бу юртга озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам беришга чақирди.**




### ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ САРИ

**Республика ёшларининг “Камолот” жамғармаси Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Республика Миллий Комиссияси билан ҳамкорликда диёримизнинг бир неча шаҳарларида “Ўзбекистон: миллий тикланиш ва ёшлар” мавзуида семинар ўтказишни кўзда тутганди.**

**Навбатдаги семинар Сирдарёдаги Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театри биносида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари ёшлари вакиллари, шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиқлари, Республика “Маърифат ва маънавият” марказининг вилоят бўлими ҳамда “Нуроний” жамғармаси, Мирзаобод туманидаги 21-мактаб вакиллари иштирок этдилар. Семинарни Республика ёшлари “Камолот” жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Майкл Барри Лейн кириш сўзи билан очди. Семинар давра суҳбати тарзида ўтказилиб, унда ёшлар манфаати ва уларнинг Инсон манфаатлари йили нуфузига қўшаётган ҳиссаси, маънавият ва ватанпарварлик, ёшлар ҳуқуқи ва демократия мавзуида вилоят ёшлари фикрларини билдирдилар. Тадбирнинг иккинчи қисми ёшларнинг илм эгаллаши ва ўз-ўзини бошқариши хусусида бўлди. Семинар қатнашчиларига Сирдарё вилояти ҳунармандлари томонидан тайёрланган миллий ҳунармандчилик кўргазмаси намойиш қилинди. Бадиий қисмда вилоятда ташкил этилган “Қувноқ таёқчалар” болалар гуруҳи, 21-мактабнинг халқ фольклор ансамбли, “Камолот” қошида ташкил этилган “Камол” гуруҳи қатнашчиларининг концерт дастурлари иштирокчиларда хуш кайфият уйғотди.**

**Бундай тадбирлар ёшлар қалбида жўшқин фаоллик уйғотиши табиийдир.**

**Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда ҳозир Россияда икки миллион нафарга яқин гиёҳванд бор. Яна тўрт миллион киши гоҳ-гоҳида хумори тутганда нашавандлик билан шуғулланар экан.**



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 6 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 59 сўм 93 тийин миқдорида белгилади.**

***«Туркистон» ва ЎзА мухбирлари хабарларидан.***

